www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 25-avgust № 104-105 (2986) payshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳикмат

Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шоншуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Фарманов Александр Касимович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси — бош директори

Қосимов Хасанбой Хатамович — «GM O'zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович

Фарманов Александр Касимович

Қосимов Хасанбой Хатамович

Устюрт газ-кимё мажмуи — Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 24 август куни Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру ғурурига хос замонавий қиёфа касб этди, балки унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳам юксалди. Тантанали маросимлар марказига айланган Мустақиллик майдони тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг хуш кўрадиган масканидир.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ли Мён Бак бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбл ҳосил қилганини таъкидлади. Олий мартабали меҳмон бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Шу куни «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон-Жанубий Корея сармоявий ҳамкорлигининг энг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлди.

Президент Ислом Каримов ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши муҳим тарихий воқеа эканини, айниқса, қурилиш ишлари Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бошланаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Хусусан, нефт-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, айни пайтда уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар улушини кўпайтиришга эришилди. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия натижасида Ўзбекистонда илғор технологияларга асосланган нефт ва газ кимёси саноати шаклланди ва йил сайин ривожланиб бормоқда.

Ли Мён Бак Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида амалга оширилаётган энг йирик қўшма лойиҳа эканини, инжиниринг, ускуналар етказиб бериш, қурилиш ишларида Корея Республикасининг йирик компаниялари иштирок этаётганини таъкидлади. Бу ўзаро ишонч ва ҳамкорликдан манфаатдорликнинг ёрқин намунасидир.

Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан Қорақалпоғистонда МДҲда ушбу соҳадаги энг йирик мажмуа қад ростлайди. Натижада Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланади. Айни пайтда Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида ҳам янги турдош ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, шу тариқа янги иш ўринлари сонини янада кўпайтириш имконияти юзага келади.

«Ўзэкспомарказ»даги тадбир иштирокчилари билан Устюртдаги Сурғил конида қурилиш ишларини бошлаш маросимига йиғилган ишбилармон доиралар вакиллари ва мутахассислар ўртасида тўғридан-тўғри видеоалоқа ўрнатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниязов ва Корея Республикаси газ корпорацияси президенти Чу Канг Су мажмуа қад ростлайдиган жойга ўрнатилган эсдалик тамал тоши устидан пардани туширдилар.

Унга қуйидаги сўзлар битилган: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ташаббуси билан 2011 йил 24 август куни Сурғил кони негизидаги Устюрт газ-кимё мажмуи пойдеворига тамал тоши қўйилди».

Корея Республикаси Президентининг ташрифи ва мана шу тарихий воқеа Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур маъно бор. Бу икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликка муштарак интилишларини кўрсатиш баробарида, халқларимизнинг миллий-маънавий қадриятларига юксак ҳурмат-эътиборни ҳам намоён этади.

Корея Республикаси халқи ўтган аср ўрталарида замона зайли билан Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган корейсларга бу заминда кўрсатилган меҳр-эътиборни асло унутмайди. Улар бугун Ўзбекистоннинг барча фуқаролари сингари тинч ва фаровон ҳаёт кечириб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ли Мён Бак ўз ташрифи асносида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб аҳоли вакиллари ва кореялик ишбилармонлар билан учрашди. Бу тадбир замирида ҳам халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, меҳр ва англашув мужассамдир.

Ли Мён Бак давлат ташрифининг якунлари хусусида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Кўксаройда эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар, Сурғил конида амалга оширила бошланган улкан лойиҳа — буларнинг барчаси Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлиги стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётганидан яққол далолатдир. Ўзаро муносабатлар келгусида янада салмоқли кўлам касб этиб бораверади, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2011 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2011 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида

— Абдумавлян Абдуллаевич Абдуллаев, Жўра Азимбаевич Мусаев, София Мамедовна Ризаева, Валентина Павловна Клятга — «Ғўза генофонди — пахтачиликдаги фундаментал, амалий тадқиқотларнинг базаси ва истиқболли ривожининг асоси» тадқиқоти учун;

адабиёт соҳасида

— Ҳабибулла Сайдуллаев (Ҳабиб Саъдулла)га (марҳум) — "Танланган асарлар» ва «Истиқлол достони» китоблари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида

— Азамат Рамзитдинович Тохтаев, Илхом Жаббаров, Рустам Шанаметович Ерметовга — Тошкент шаҳрида барпо этилган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ва «Эзгулик аркаси» мажмуаларида амалга оширилган меъморий ва монументал санъат йўналишидаги ишлари учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида

— Мирахмад Пулатович Юнусов, Тухтамурод Алимович Рахимжонов, Хотам Анварович Сайдахмедовга — «Газ ва нефтни қайта ишлаш жараёнлари учун маҳаллий катализаторлар технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» технологияси учун;

адабиёт соҳасида

— Носир Йўлдошевич Фозиловга — «Топдиму йўқотмадим» китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида

— Акмал Ваҳобжонович Нуриддинов (Акмал Нур)га — «Аҳли дил» асарлар туркуми учун;

— Владимир Иванович Бурмакинга — рангтасвир асарлар тўплами («Шердорнинг намоён бўлиши», «Шарқона шаҳар», «Тунги Самарқанд», Ўзбекистон Республикаси Сенати биноси ва Тошкент аэропортидаги монументал рангтасвир асарлари) учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Норхўжаев Надим Қодирович — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси мудири, композитор

Гуломов Нажмиддин — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-оператори

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — ЎзФА Математика ва информацион технологиялар институти директори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Иброҳимова Малика Маликовна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Йўллиев Шамси Жуманазарович — Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

Мансурхўжаева Саида Сайдирасуловна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2011 йил 27 август шанба ва 28 август якшанба дам олиш кунлари 29 август душанба ва 30 август сешанба кунларига кўчирилсин;

2011 йил 27 август шанба ва 28 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиқлик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch
2011-yil 25-avgust № 104-105 (2986)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Абдуллаев Етмишбой Курбонназарович — Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Остона қишлоқ маданият уйи бадиий раҳбари, бахши

«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»

Мусажонов Фарҳод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Раҳматуллаев Анвар Аброрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Валиев Қаҳрамон Каримович — Халқ санъати усталари «Устозода» унитар корхонаси ёғоч ўймакори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Ёкубова Дилдора Муродовна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

Қорабоев Саъдулла Ўлмасович — Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Васильев Олег Анатольевич — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Носирова Гулчеҳра Ҳакимовна — Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Отемуратов Махсетбай Кеунимжаевич — «Айқулаш жулдузлари» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раҳбари, хонанда

Ҳамроқулов Ойбек Нуриддинович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Хўжаев Фатхулла Убайевич — Республика қўғирчоқ театри актёри

Ҳусанова Хосиятхон Эргашевна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Қодирова Мурувватхон Ғаппоровна — Андижон вилояти ёшлар театри актёри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Жумабоев Саттор Ахбутаевич — Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси

Қурбонов Баҳром Тўхтаевич — Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори

Ҳасанов Аҳаджон Аҳмеджонович — Тошкент ислом университетининг диншунослик ва жаҳон динлари кафедраси профессори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Абдухолиқов Фирдавс Фридунович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси

Асқарова Муаттар Асқаровна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Даулетмуратов Каримбай Толибаевич — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Жўраев Равшан Эргашевич — «Ўзрепорт» ахборот агентлиги директори

Мўминов Асрорбек — «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири

Қутбиддинов Абдували Абдумўминович — «Халқ сўзи» газетаси шарҳловчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Аибатов Ирзамурат Маткеримович — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри бош режиссёри

Жўраев Маматқул — ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири

Эргашева Жамила Жовлиевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Мажидов Абдурашид Мавлонович — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти етакчи муҳаррири

Мирзаева Муборак Ғайратовна — «Сабо» миллий рақс ансамбли бадиий раҳбари

Нурматов Мусо Ҳамидович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси етакчи мутахассиси, бастакор

Рустамова Дилдора Насриевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали диктори

Файзиева Гулчеҳра Содиқовна — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси санъат бўлими мудири

Ҳайитов Тўлқин Мингбоевич — «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири

Хушвақтов Эркин Болтаевич — Ўзбек миллий академик драма театри бош режиссёр ёрдамчиси, драматург

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Аҳмедова Нилуфар Жалиловна — Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-Марказий клиник шифохонаси бош шифокори

Дягилев Валерий Анатольевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали токсикология ва гемодиализ бўлими мудири

Шарипова Мадина Каримовна — Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Евстафеев Алексей Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси бош мураббийи

Штурбабин Андрей Анатольевич — Якқама-якка кураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Қосимжонов Рустам Машрукович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тарасова Юлия Александровна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўйчиев Владимир Мануэльевич — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Чориев Дилшод Қобилмуҳамадович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Мўминова Дурнисахон Комилжоновна — Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» директори

«Буюк хизматлари учун»ордени билан

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна — Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси яккахон хонандаси

Раззоқова Муяссар Қодировна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абдуллаева Яйра Умаровна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Бойхонова Зулайхо Мамажоновна — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри артисти

Иброҳимова Рихсихон Исмоиловна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Искандаров Эргаш Рўзиқулович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилоят филиали бош шифокори

Обиджонов Анваржон (Анвар Обиджон) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Саъдуллаев Шомансур Шоҳсаидович — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти директори

Саидқосимов Пўлат — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Арқаев Иноят Каримович — Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудири

Асетова Сарбике Алеуовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Қанликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Акилов Фарҳод Атауллаевич — Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори

Бобоев Тўлқин Арифович — ЎзФА Биокимё институти етакчи илмий ходими

Иброҳимов Шуҳратжон Икромжонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти масъул эфирга узатувчиси

Икрамов Алишер Каримович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасининг Миллий эстрада оркестри бадиий раҳбари

Исабоев Зикрилла — ЎзФА Умумий ваноорганик кимё институти катта илмий ходими

Исмоилова Коммуна — Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси

Йўлдошев Орифжон Йўлдош ўғли — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Комилов Эркинбой — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Кўчимова Дилором Ғаниевна — Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Мирзаев Саъдулла Зиёдович — Самарқанд давлат университети профессори

Мусаев Аҳмаджон Расулевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси катта мураббийи

Норматов Умарали — Ўзбекистон Миллий университети жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

Нурбоев Нуриддин Эргашевич — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Содиқов Марат — Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

Султонов Искандар Алмасович — Самарқанд вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

Тоғаева Садаф Ҳасановна — Навоий вилояти, Конимех туманидаги «Чордара» қишлоқ врачлик пункти мудири

Умарбеков Жавлат Юсупович (Жавлат Умарбеков) — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, маҳобатли рангтасвирчи рассом

Ҳотамов Одилқул — Навоий вилояти, «Кармана овози» газетаси масъул котиби

Хўжамбердиев Мамаюсуф Бозорович — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 81-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Шермуҳамедов Ғиёс Тоҳирович — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, режиссёр

Эшқобилов Холиқул Қаршиевич — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш кафедраси доценти

Юсупова Дилором Юнусовна — ЎзФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

Қамаров Тожиддин — Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот гуруҳи раҳбари, журналист

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Тўхтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна — Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абулқосимова Зуҳра Пирназаровна — Республика жисмоний даволаш диспансерининг врач-терапевти

Абуносова Розия Тўраевна — Бухоро вилояти, Пешқу туманидаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича бош мураббийи

Алиев Маҳмуджон Муслимович — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси кафедраси профессори

Алимова Холида Рауфовна — Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Бутко Ирина Анатольевна — Навоий шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастика бўйича мураббийи

Ғозиев Нуриддин Руҳиддинович — Наманган давлат университети жисмоний тарбия ва маданият факультети декани ўринбосари

Жўрабоева Фотима Шуҳратовна — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Зиёмуҳамедова Зуҳра Шуҳратовна — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли балетмейстери

Қобилов Тошмурод Чориевич — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими директори

Рафиқова Ҳакима Абдувосиевна — Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг катта илмий ходими

Қорачаева Минавар Абдуназаровна — Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Қақир» қишлоқ врачлик пункти мудири

«Дўстлик» ордени билан

Абрамов Вадим Карленович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

Авездурдиев Орун Қурбонович — Тошкент шаҳар туркман миллий маданий маркази раиси

Акрамов Акмал Маҳмудович — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири

Алиева Жамила Фатхуллаевна — Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори

Асланова Елена Юрьевна — Самарқанд шаҳридаги 4-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг катта мураббийи

Бобониёзов Азимбой Йўлдошевич — Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Баймурзина Раиса Абдулхаевна — Тошкент шаҳридаги татар ва бошқирд «Дўстлик» бадиий жамоаси бадиий раҳбари

Жалилова Клара Алимадатовна — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, пенсионер

Ишов Жўракул Очилович — Навоий вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

Қосимов Собиржон Олимович — «Усто» уюшмаси таркибидаги «Илҳом париси» масъулияти чекланган жамияти наққош устаси

Матчанов Матяқуб Саъдуллаевич — Ўзбек давлат драма театри актёри

Орипова Нодира Камоловна — Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

Пешерова Ольга Петровна — Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Раҳматуллаев Марат Алимович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бўлим мудири

Раҳмонов Журъат Собирович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

Реутова Марина Аркадьевна — ЎзФА Самарқанд бўлимининг Археология институти лабораторияси мудири

Смирнов Виталий Фрильевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоасининг катта мураббийи

Султонов Николай Турсунович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри бош рассоми

Улуғов Абдулла Ўзбекович — Ўзбекистон Миллий университети доценти, адабиётшунос

Усмонова Умида Ғафуровна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Перспектив телелойиҳалар студияси катта муҳаррири

Ҳайдаров Тоҳир Расулович — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассомкулол

Ҳамроева Муқаддас Шукуровна — Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-невропатологи

Хромова Галина Алексеевна — Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг электр транспорти кафедраси профессори

Шомаърупов Абдулла Набиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Шарипова Гулчеҳра Тошмировна — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Давлат хор капелласи артисти

Шопен Юлиана Юрьевна — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўқув адабиётлари таҳририяти етакчи муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуназарова Захро Абдинабиевна — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

Абдураҳмонова Саодат Маҳмудовна — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма қолип тайёрлаш цехи монтажчиси

Авезова Ҳалима Абдуллаевна — Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Беруний» қишлоқ врачлик пункти мудири

Аитова Мардона Бекназаровна — Хоразм вилояти, Урганч олимпия захиралари коллежининг стол тенниси бўйича мураббийи

Айназарова Гулбаҳор Раззоқовна — Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Артиқов Абдуманнон Анварович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази тасвир монтаж гуруҳи бошлиғи

Артиқов Турдали Усмоналиевич — ЎзФА Сейсмология институти лаборатория мудири

Аҳмаджонов Латипжон — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, тўқувчи ҳунарманд

Боймуродова Санобар Ботировна — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири

Баратова Сайёра Раҳматовна — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири

Ғоипов Жамшид Тўлаганович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакор уста

Ғаниев Абдувоҳид Абдулҳакимович — Ёшлар тажриба ижодий «5-студия»си кинооператори

Жанахметов Серижан — Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳар «Замондош» маданият саройи хонандаси

Зикиров Қодиржон Юнусович — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти филиали Булоқбоши тумани бўйича бош мутахассис-вакили

Исоқулов Тўлқин Ўролович — 1-Республика клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири

Казачкова Татьяна Павловна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китоблар мажмуаси муқовалаш цехи муқоваловчиси

Комилова Ибодат Ортиқовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг техник хизмат кўрсатиш бошқармаси етакчи муҳандиси

Камолов Турсун Набихўжаевич — «Жиззах ҳақиқати» — «Джизакская правда» газеталари бўлим мудири

Ким Денис Георгиевич —Фарғона вилояти, Қўқон темирйўл касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Киршина Ирина Владимировна — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Комилов Остонақул Одилович — Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси бўлим мудири

Кочнев Герасим Игоревич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Қурбонов Садриддин Самиевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси медиамаркази директори ўринбосари

Маъдиев Довуд Каромович — «Ишонч» — «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Мажидов Шерали Сирожович — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Жиззах вилояти филиали Дўстлик тумани бўйича бош мутахассис-вакили

Маткурбонов Махсадбой Камолович — Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Ширинқўғирот қишлоқ клуби мудири

Мирбеков Серик Абдувалиевич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Муродова Жамила Эшмирзаевна — Жиззах вилояти, Арнасой тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси

Муродов Баҳодир Бахтиёрович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази информацион кўрсатувларни тайёрлаш, тасвирга олиш ва эфирга узатиш хизмати бошлиғи

Мусажонов Маҳамаджон Зокиржонович — Тошкент автомобиль йўллари институтининг автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедраси профессори

Мўминжонова Фароғат Исмоиловна — Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи фонд бошлиғи

Назаров Тўра Абдуллаевич — Шаҳрисабз тиббиёт коллежи директори

Нурматова Самида Валиевна — Наманган туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири

Облокулов Ғиёс Аҳоровович — Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

Олимова Ҳанифа Ҳалимовна — Наманган вилояти, Чуст туманидаги 2-болалар поликлиникасининг маҳалла ҳамшираси

Пардаева Ойимхол Холиёровна — Термиз ҳайвонот боғи катта илмий ходими

Саидов Комилжон Фозилович — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Смирнова Татьяна Ивановна — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи техник муҳаррири

Тлеумуратова Бибигул Сарибаевна — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти бўлим мудири

Турғунов Дилшоджон Ҳошимович — Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бош мураббийи

Умаров Бахтиёр Рўзиқулович — Навоий вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Холматова Холида Абдуғофуровна — Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси

Худойбердиев Абдуҳамид Эгамбердиевич — «Куч — адолатда» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири

Чаканов Аширниёз Бозорбоевич — Жарқўрғон туман «Сурхон гуллари» ашула ва рақс халқ ансамбли бадиий раҳбари

Йўлдошев Баҳодир Темирович — Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими раиси

Юсупова Муҳайё Эркиновна — Бухоро вилояти, Олот туманидаги 31-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Юсупова Тўхта Нажимадиновна — Республика дизайн коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Қўлдошева Салтанат Жумаевна — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, гиламдўз

Ғаффорова Зиёда Насриевна — Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

И. КАРИМОВ

Ishonch
2011-yil 25-avgust № 104-105 (2986)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тижорат банкларини капиталлашув даражаси ошмоқда, кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизми такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чекловчи бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ва назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берадиган маъмурий регламент тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Очиқлиги таъминланмаган кўплаб рухсат бериш тартиблари ҳамон сақланиб қолмоқда. Назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари учрамоқда. Кичик бизнес маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича амалий механизм яратилмаган.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш.

2. Белгилансинки, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади, яъни, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига уларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципини белгилашни кўзда тутувчи ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилади.

4. 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилади;

юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминласин.

6. Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолиятининг янада очиқлигини ошириш ва либераллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинсин:

2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилиш;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддатини уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чеклаш;

хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларини бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқини бериш.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банклари билан ҳамкорликда бир ой муддатда халқаро молия тузилмалари, хорижий жамғармалар ва банклар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш учун Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Марказсаноатэкспорт» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва 2011 йилнинг охиригача республика ҳудудларида унинг ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин:

юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш, айни пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарлигини икки баробарга ошириш;

божхона назорати муддатини уч йил билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни тақиқлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

13. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

Нодира Тўхтаева ўз касбини сидқидилдан севади. Балки оилавий муҳит бунга сабаб бўлгандир. Отаси барча фарзандларининг ўқимишли бўлишини истади. Опаси Наргиза, сингиллари Назира, Гавҳар бугун ёш авлодга таълим-тарбия бериб келишмоқда.

Касабақўм бахти

Табиатан ғайратли Нодира жамоат ишларида фаол. Бир қарасанг 8 Март, сал ўтиб Наврўз, кейин 9 Май, кузда Мустақиллик, Устозлар куни байрамлари, қишда Конституция куни ҳамда Янги йил...Қолаверса, ходимларнинг яхши ва ёмон кунлари бор. 1183 ўқувчи ўқийдиган ва 132 нафар ходим ишлайдиган Ғузор туманидаги 34-ўрта мактабда бўладиган бу каби тадбирларда Нодира фаол қатнашади. Шу боис мактабнинг касаба уюшма қўмитаси раисини сайлаш тўғрисида гап кетганда, жамоа бир овоздан Нодирага ишонч билдирди.

Олдин кўнгилли сифатида тадбирлар ташкилотчисига айланган бўлса, энди елкасига масъуллик юкланганди. Чўчимади, аксинча, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Эшпарда Ниёзовдан билмаганларини ўрганди. Ўтган йилги ҳисобот-сайлов конференциясида вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаевнинг иштирок этиши ҳамда ўз тавсияларини бериши жамоада ҳамда Тўхтаеванинг ўзида касаба уюшмалари катта куч эканлигига ишонч уйғотди.

— Шу йилнинг апрел ойида «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтказилган минтақавий ўқув-семинар эса ташнага чашма вазифасини ўтади. Устозлари сабоқларини жон қулоғи билан тинглади, билмаганларини ўрганди. Айнан ўша семинардан кейин мактаб маъмурияти унга алоҳида хона ажратди. Марказий кенгаш томонидан ажратилган мебел ҳамда зарур меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган касаба уюшма қўмитаси хонаси ҳамиша ходимлар билан гавжум. Кимдир моддий ёрдам, бошқаси йўлланма, яна бири ҳуқуқий маслаҳат сўраши одатий ҳолга айланди.

Кам таъминланган ўқитувчи Янгилой Маманова боқувчини йўқотганлиги, икки нафар фарзанди борлиги учун моддий ёрдам кўрсатилди. Унинг ўғли Суҳроб Назаров беморлиги боис якка тартибда уйда ўқитиларди. Суҳроб даволангач, тенгдошлари сафига қўшилди ва тезда аълочи ўқувчилар сафидан жой олди. Касаба уюшмалари буни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Аълочи ўқувчи бир марта бериладиган «Касаба уюшмалари стипендияси» билан тақдирланди...

Яқинда 34-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари «Мироқи» сиҳатгоҳида дам олиб қайтди.

— Оиламиз билан ҳар тонг эрта туриб, югурамиз, — дейди Нодира. — Фарзандларим Озодбек ва Аббос футболга, Азизбек каратэ машғулотларига қатнайди. Ўзим мактабнинг волейбол жамоасида ўйнайман. Бу йил педагог ходимлар ўртасидаги туман спартакиадаси бизнинг мактабда ўтди ҳамда унда волейбол жамоамиз вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. Айни пайтда галдаги баҳсларга қизғин ҳозирлик кўряпмиз.

Дарвоқе, жорий йилда 34-ўрта мактаб касаба уюшма қўмитаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилди.

— Қабулимга кирган кишини ноумид қайтаргим келмайди. Мактаб директори Сайёра опа Ғаниева ҳам жамоа манфаатини ўйлайдиган раҳбарлардан. Ходимларимиз муаммоларини ечишда кўмагим тегаётганидан бахтиёрман, — дейди Нодира.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрамига бағишлаб Боёвут туманидаги 24-мактабда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Боёвутда байрам

Кенгаш раиси Қаршибой Эшназаров тадбирни очар экан, касаба уюшмасининг бугунги ўрни ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Гулистон Давлат университети ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Равшан Маҳмудов юртимизда истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар тўғрисида, шоир Ҳаёт Шодмон эса мустақиллик берган улуғ неъматлар ҳақида маъруза қилди.

Тадбир байрам дастурига уланди. Мактаб қошида ташкил этилган «Шабнам» ва маҳалладаги «Сулола» бадиий ҳаваскорлик дасталари Она-Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан тантанага файз киритишди.

Тадбир адоғида халқ таълими соҳасига меҳнати сингган бир гуруҳ фахрийлар ва соҳа фаолларига вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Бошланғичга кўп нарса боғлиқ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Чилонзор тиббиёт коллежида «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ишларни ташкил этиш» мавзуида тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг ўқув-семинарини ташкил этди.

Ўқув-семинарда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Б.Маҳмадалиев, ЎзКУФК ўқув маркази директори К.Переверзев, Тошкент молия институти «Фалсафа» кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор С.Раҳимов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Давра суҳбати шаклида бўлган савол-жавоблар ғоятда қизиқарли ўтди.

— Бундай ўқувларнинг ташкил этилиши бизга кўп нарса берди, — дейди «Зомин» тиббиёт коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Соҳиба Ҳакимова. — Иш жараёнида кўплаб маълумот ва билимларга эга бўлдик.

— Ушбу тадбирда қатнашиб, Марказий кенгаш бошланғич ташкилотларга катта эътибор бераётганига амин бўлдим, — дейди Наманган вилоят онкология диспансери касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳимжон Бекмирзаев. — Чунки бундай ўқувларнинг янгидан сайланган етакчилар учун, айниқса, фойдаси катта. Ишонаманки, олган билимларимиз амалиётда ўз самарасини беради.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Иштиёқ бўлса.... иш топилади

3602 нафар аъзони ўзида бирлаштирган соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши ҳам энг азиз ва энг улуғ байрамимизни зўр иштиёқ билан кутиб олмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг юртимизни боғу-роғларга бурқаш ҳақидаги мурожаатига жавобан туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги ташландиқ ерларни текислаб, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазган эдик. Ҳозир ям-яшил ниҳолларнинг бўй чўзаётганини, дарахт оралиғига экилган экинларнинг ривожини кўриб дил қувнайди. Ҳар бир бўлим ўзига бириктирилган ҳудудни яшнатмоқда.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида 72 нафар ўғил-қизни дам олдирдик. 50 нафар кам таъминланган ходимимиз фарзандларига ўқув қуроллари беришни мўлжалляпмиз. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида ўн ходим моддий ёрдам сўраб мурожаат этганди, масалани ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал қилдик.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши раиси

Миробод туманида

Сариштали уй — фариштали уй

Истиқлол тантаналарига ҳам оз қолди. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ушбу улуғ айёмни муносиб қарши олиш учун бор имконият ишга солинмоқда. Одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик эса бунёдкорлик ишларида акс этаётир.

Касаба уюшма ташкилотлари ҳам ушбу хайрли тадбирлардан четда тургани йўқ. Жумладан, фаолларимиз Тошкент шаҳрининг Миробод тумани ҳудудида Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва нишонлашга оид ташкилий-амалий, тарғибот-ташвиқот ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, туман ҳудудининг Ойбек, «Минг-ўрик», «Ўзбекистон», Ат-Термизий, Авлоний, Ш.Рашидов, «Салар», «Боғишамол», «Афросиёб», «Мовароуннаҳр» маҳаллаларига уюшманинг тармоқ Марказий ва шаҳар кенгашлари етакчилари масъул этиб тайинланиб, ободонлаштириш юмушларига бошқош бўлишмоқда.

Жумладан, «Салар» каналининг қирғоқлари тозаланди, маҳалладаги 40 та кам таъминланган оила 1 млн. 200 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Сентябр ойининг биринчи ўн кунлигида маҳалладаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда фахрийлардан иборат 150 нафар кишига байрам тадбири ташкил этиш режалаштирилган. «Ўзбекистон» маҳалласининг гузари атрофидаги дарахтларга шакл берилиб, 14/1, 12, 12/1, 13/5-уйларнинг ҳовлилари ораста қилинди. Ат-Термизий маҳалласидаги 9 қаватли 1- ва 6-уйларга байрамни акс эттирувчи баннерлар ўрнатилди. Кунаев кўчасидаги 8-уй олдидаги очиқ майдон кўкаламзорлаштирилмоқда. Маҳалла ҳудудидаги гузар тартибга келтирилиб, касаба уюшма ходимлари томонидан бўяш, оқлаш ишлари олиб борилди.

Бундай бунёдкорликдан аҳоли ниҳоятда мамнун. Жумладан, туманнинг «Боғишамол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси З.Мустафоевдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига келган миннатдорлик хатида шундай дейилади: «Маҳалламиз ҳудудида бир неча йиллардан буён чўзилиб келаётган бунёдкорлик ишлари тез кунлар ичида ўнгланиб кетди. Бунда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан яхши ёрдам кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир». Бу маҳалладаги уйлар атрофи ораста-ланди, дарахтларга шакл берилди. Ушбу юмушлар учун 2 млн. сўм сарфланди.

Шунингдек, «Мовароуннаҳр» маҳалласидаги Нукус ва С.Азимов кўчаларида дарахтларга шакл берилди. 60-почта идорасининг олди қисми таъмирдан чиқарилди. Кам таъминланган, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг 20 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. «Афросиёб» маҳалласидаги эски, чала бузилган иморат пойдевори текисланиб, чиқиндилари чиқариб ташланди. Афросиёб кўчасидаги 41-уйнинг ҳовли томони металл панжара билан ўралди. Маҳалла атрофларини ободонлаштириш, таъмирлаш, тарғибот баннерлари ўрнатиш учун 2 млн. 270 минг сўм сарф қилинди.

Умуман, ҳозирги кунга қадар касаба уюшма ташкилотлари томонидан 34 млн. 14 минг сўмлик иш бажарилди. Айни кунларда ҳудуддаги маҳаллаларни ободонлаштириш, тарғибот-ташвиқот жиҳозлари билан таъминлаш ва эҳтиёжмандларга моддий кўмак кўрсатиш ишлари давом эттирилмоқда.

С.САЙФУЛЛАЕВ,
Ўз КУФК бўлимининг етакчи мутахассиси

Ishonch
2011-yil 25-avgust № 104-105 (2986)

● Юбилей йўқламасида Тошкент вилояти

Истиқлол ва истиқбол йўли

Тарихдан маълумки, доимо кишилар табиати мусаффо, ери унумдор ҳудудларга ошиқишган. Бундай масканлар ривожланиб, ижтимоий-маданий марказларга айланган. Жонажон юртимизнинг ҳар бир гўшаси ана шундай гуллаб-яшнаб, тараққий топгани билан кишини мафтун этади.

* * *

Сирдарёдан Тошкент вилоятига кириб келар экансиз, салқин ҳаво, кўм-кўк далалар, шамолда чайқалиб турган дарахтлар эътиборингизни тортади. Сершув ҳисобланган ҳудудда ер ҳамиша қадрланиб, ундан фаровонлик мақсадида фойдаланилган. Айниқса, мустақиллик йилларида вилоят юксак тараққий этди. Буни қишлоқ хўжалиги, саноат, иқтисод, тадбиркорлик ва кичик бизнес, маданият ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар мисолида кўриш мумкин.

— Мамлакатимизда фермерлик фаолиятига катта эътибор қаратилаётганлиги бизга куч бағишламоқда, — дейди Зангиота туманидаги «Нигора — Ҳилола» фермер хўжалиги раҳбари Ёқубжон Нурматов. — Йилдан-йилга хўжалигимиз ривожланиб бораётир. Жумладан, бу йил режа бўйича 21,4 тонна ўрнига 25,7 тонна ғалла топширдик. Ҳосилдорлик 60 центнерга етди. Бундан ташқари, помидор, сабзи, карам ва бошқа сабзавот экинларидан яхши даромад олаяпмиз. Бу эса хўжалигимизда ишлаётган 12 нафар ходимнинг моддий манфаатдорлиги ошишига замин яратди. Улар ойлик маош, шунингдек, ғалла ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Энг муҳими, янги-янги мақсадларимиз рўёбга чиқмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва соҳада фаолият юритаётганларни қўллаб-қувватлаш борасида сезиларли ишлар қилинди. Бунда фермер хўжаликларининг иқтисодий имкониятини ошириш ва бу орқали кичик ишлаб чиқариш объектларини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, Президентимизнинг 2010 йил 18 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари ўлчамини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига асосан вилоятда оптималлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада, фермер хўжаликларининг сони 7471 тадан 6064 тагача қисқартирилган ҳолда, уларга бириктирилган ер майдони 455,5 минг гектардан 462,5 минг гектарга етказилди. Ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 76,3 гектарни ташкил этди. Бугунги кунда фермер хўжаликларида 121,1 минг киши меҳнат қилмоқда.

Вилоятда хўжалик фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва шу орқали сифат самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумотларга кўра, 2011 йил январ-март ойларида лизинг асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари 21 дона ёки 317,0 млн. сўмлик янги техникалар олишга эришди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2011 йил учун манзилли дастур ишлаб чиқилган. Шунга кўра вилоятда жорий йилда 5 та гўштни, 5 та сутни ва 4 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ҳамда 3 та сутни қабул қилувчи хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилиши юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

* * *

Тошкент вилояти деганда, аввало, кўз олдимизга саноатлашган ҳудуд келади. Бу ердаги йирик саноат корхоналари иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятда энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати етакчилик қилади.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига жами 3127 та саноат корхонаси рўйхатга олинган бўлиб, 2800 таси фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 98 та йирик саноат корхонаси мавжуд. «Ўзбекистон металлургия комбинати» АИЧБ, «Спентекс Тўйтепа текстил» қўшма корхонаси, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати», «Максам Чирчиқ», «Аммафос-Максам», «Бекободцемент», «Ўзбеккўмир» ва «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятлари шулар жумласидан.

Шунингдек, вилоятда хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобига 394 та қўшма корхона рўйхатга олиниб, шундан 375 таси фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналар аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринларини барпо этишда етакчи ўринда туради. Ана шундай йирик корхоналардан бири «Максам Чирчиқ» ОАЖ бўлиб, дастлаб Электрокимё комбинати негизида ташкил этилган. Акцияларнинг 49 фоизи Испаниянинг «Maxam Corp. SAU» компаниясига сотилгач, киритилган хорижий сармоя ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик ускуналарни янгилашни жадаллаштирди. Натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш қайта тикланиб, сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Корхона маҳсулотлари Марказий Осиё ҳудуди, Хитой, Туркия, Эрон ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилина бошланди.

Хорижий шериклар билан ҳамкорлик кимё-машинасозлиги корхонасининг довруғини дунёга танитди. «Ўзбеккимёмаш» тамғаси туширилган маҳсулотлар экспорти 40 фоизгача кўтарилди. Корхона маҳсулотлари етказиб бериладиган давлатлар сони 24 тага етди.

Вилоятда озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган бўлиб, бунда асосан маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрланади. Бу саноат пахтачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, гўшт-сут, ёғ-мой, ун, қандолат ва бошқа тармоқларни ўз ичига олади. Жумладан, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ туманларида ҳам озиқ-овқат корхоналари талайгина.

* * *

Вилоят тараққиётида, ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда касаба уюшма ташкилотларининг муносиб ўрни бор. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзолангани бу борада улкан қадам бўлди. Ижтимоий меҳнат муносабатларини мувофиқлаштиришда уч томонлама ижтимоий шериклик ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари талаблари оғишмай бажарилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳудудий ва 16 та тармоқ келишувлари, 9572 та жамоа шартномаси амал қилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов. — Бу ҳужжатлар Бош келишувнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, янги талаблар асосида мукаммаллаштирилган. Келишув ва жамоа шартномаларига амал қилиш борасида вилоятимизда етарли тажриба орттирилган. Чунончи, «ОҚМК», «Максам-Чирчиқ» ОАЖлар, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоа шартномаларини, шунингдек, бир қатор тармоқларда келишувларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижроси устидан назорат олиб боришнинг таъсирчан омиллари қўлланмоқда.

Ўтган даврда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, тармоқ тузилмалари давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда жамоа келишувлари ва шартномалар асосида иш олиб борди. Айниқса, аъзоларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясига катта эътибор қаратилган. Таҳлилларга кўра, ўтган йилнинг август ойидан ҳозирга қадар вилоят бирлашма кенгашига фуқаролардан иш берувчилар томонидан 280 тадан зиёд турли қонун бузилишлари содир этилганлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган.

Яна бир муҳим масала: нодавлат секторидаги корхоналарни касаба уюшмаларига жалб этиш.

— Тармоқ кенгашимизда 402 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, 25207 нафар аъзони бирлаштирган, — дейди давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси М.Исмоилова. — Шунингдек, сафимизга нодавлат ташкилотларини жалб этиш ҳам диққат марказимизда. Жумладан, шу кунга қадар 124 та нодавлат корхонада касаба уюшма ташкилоти 5092 нафар ходимни қамраб олган. Бу борада қилинган ишлар юзасидан ҳар ойда мониторинг олиб борилади.

Эътиборли томони, вилоятда барча соҳада кейинги 5 йилда 500 га яқин нодавлат сектори корхоналари касаба уюшмалари хизматига жалб этилди. Бундан ташқари, бевосита касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан амалга оширилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт ва соғломлаштиришга қаратилган турли спартакиадалар ходимларнинг вақтини мазмунли ўтказишида қўл келаётир.

* * *

Соғломлаштириш мавзусида сўз юритишдан олдин қуйидаги маълумотга эътибор қаратсак: Тошкент вилояти ҳудудида 43 та дам олиш маскани, яъни 13 та санаторий (2224 ўринли), 2 та болалар санаторийси (300 ўринли), 9 та санаторий-профилакторий (894 ўринли), 2 та дам олиш уйи (600 ўринли), 5 та пансионат (1047 ўринли) ва 14 та дам олиш маскани (1488 ўринли) мавжуд. Улардаги ишчи ўринлар 6113 тани ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу рақамлар вилоятнинг соғломлаштириш борасидаги салоҳияти жуда юқори эканини кўрсатади. Айниқса, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон ва Қибрай туманларининг баҳаво ва сўлим табиати дам олиш ва соғломлаштириш масканларининг самарали фаолият юритишида асосий омил бўлмоқда.

— Жорий йилда вилоятдаги турли тоифадаги оромгоҳларда режадаги 26 минг 190 нафар ўрнига 28 310 нафар боланинг ёзги дам олиши ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги стационар оромгоҳлар табиати мўътадил, баҳаво, хушманзара ва кўркам жойларда жойлашган, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Муҳайё Холбоева.

— Масалан, «Металлург», «Келажак», «Кимёгар», «Зангори олов», «Бойчечак», «Коинот» каби оромгоҳлар болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилди.

Аҳамиятли жиҳати, оромгоҳларда барча шарт-шароит яратилди. Айниқса, «Ёшлик», «Ҳумо», «Зангори олов», «Коинот», «Кимёгар» оромгоҳларида бу борада дам олувчиларни хушнуд этди. Бунинг учун корхона ва хўжаликлар томонидан етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, жорий йил лицей, коллеж ва мактаблар қошида режадаги 90 та ўрнига 106 та кундузги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, уларда қарийб 13 минг нафар бола қамраб олинди. Оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш мақсадида ҳомийлик маблағлари жалб этилди. Хусусан, тадбиркор ва фермерлар оромгоҳларга имкон даражасида ҳомийлик кўрсатишди.

Дарвоқе, барча мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш, мавсумни турли спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар билан қамраб олиш, болалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус тадбирлар дастури асосида иш ташкил этилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Энг намунали оромгоҳ», «Ташкилотчи хўжалик органи», «Энг меҳрибон тарбиячи», «Ташаббускор етакчи», «Энг яхши спорт йўриқчиси», «Оромгоҳнинг ошпази», «Энг фаол касаба уюшмаси ташкилотчиси», «Энг жонкуяр тиббиёт ходими» кўрик-танловлари ўтказилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам таълим тизимини ислоҳ этиш жараёни изчил кечди. Айни пайтда учта олий ўқув юрти: Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилоят давлат педагогика институти ва Навоий тоғ-кон металлургия институтининг Олмалиқ шаҳар филиали фаолият юритмоқда. Шунингдек, 113 та коллеж, 6 та академик лицей ва 893 та умумтаълим мактаби, 501 та доимий мактабгача таълим муассасасида ёш авлод таълим олмоқда.

Уларни спортга жалб этиш ва бунинг учун барча имкониятни яратиш борасида яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Буни таълим тизимидаги уч босқичли спорт ўйинларида, вилоят спортчиларининг миллий ва халқаро мусобақаларда кўрсатаётган юксак натижалари исботлаб турибди. Шу ўринда бир далилни келтириб ўтсак. 2008-2012 йилларда болалар сув спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури бўйича 12 та объектни капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган эди. Айни пайтда Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл ва Зангиота туманларида биттадан сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Вилоятда бадиий гимнастикага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундан бир неча йил муқаддам Чирчиқ шаҳрида 72 нафар ўқувчи-қиз бадиий гимнастика билан шуғулланар эди. Бугунги кунда улар сони минг нафардан ошиб кетди.

* * *

Ёз ойлари Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ сув омбори атрофидаги санаторий ва оромгоҳлар одамлар билан тўлиб-тошади. У ердаги мавжланиб турган сув, сарин ҳаво барчани ўзига жалб этади. Астойдил меҳнат қилиб, бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатгач, шундай сўлим жойларда дам олишнинг гашти ҳам ўзгача бўлади-да. Истиқбол сари қўйилаётган шижоатли одимлар эса кишини ҳамиша улуғлайди. Бу халқимизнинг ҳали бундан-да юксак марраларга эришишида кўприк бўлиб хизмат қилади.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

● Етакчи минбари

Ходимлар манфаати ҳимояси — бош вазифамиз

Катта шодиёна арафасида турибмиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи. Шундай шукуҳли кунларда юртдошларимиз кайфиятининг кўтаринкилигига, бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлаётирмиз. Бугунги ҳаётдан завқланиб, эртанги кунига ишонч билан интилаётганлар сафида жамиятимиз тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 4334 нафар касаба уюшма аъзоси ҳам бор.

Маълумки, соҳамиз ишчи-ходимлари мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги — пахтани етиштирувчи деҳқонлар билан ишлайди. Бошқача айтганда, ана шу хом ашёни жаҳон стандартлари талабларига мос қайта ишлаб, ҳам ички эҳтиёжимизни таъминлайди, ҳам дунёнинг турли мамлакатлари учун экспортга тайёрлайди.

Бирлашган тармоқ касаба уюшма қўмитамиз юрт бойлиги, эл фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган ходимларимизга ҳамиша ғамхўр бўлиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Натижада, корхона ва ташкилотларда иш унуми ортиб, ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлиги юқори бўлмоқда.

Пахтани қайта ишлаш соҳасида маҳсулотнинг юқори сифатини таъминловчи, энергия тежамкорлигига мос технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни йўқотиш борасида ишлар олиб борилаяпти. Шу билан бирга, ишчи-хизматчиларга қатор имтиёзлар, қулай шароит яратилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминловчи чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пахта тозалаш корхоналари ишчи-хизматчилари учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Улар махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминланган. Корхоналар ҳузурида тиббиёт пункти, спорт майдончалари ва заллари, савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Маънавият ва маърифат хоналари дид билан жиҳозланган.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳозирлик кўриш борасида саъй-ҳаракатларимиз кўлами янада кенг. Барча туманлардаги корхоналаримиз ишчи-хизматчилари улуғ байрамимизни муносиб кутиб олиш учун йил бошидан бунёдкорлик, тозалик ва ободончилик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳри марказий кўчаларининг 2,9 километрида гулзор ва йўлаклар бунёд этилиб, бинолар, турар-жойлар янгича қиёфа касб этди. Мустақилликнинг 20 йиллигига ҳар бир фаол томонидан 20 тадан мевали ва манзарали кўчат ўтқазилишига эришиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Тизим корхоналари ҳудудларидаги майдонларга ўтқазилган 40 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар бугун гуркираб ўсмоқда.

Байрамолди тадбирларига уйғун ҳолда тасарруфимиздаги «Ёш Пахтакор» соғломлаштириш оромгоҳида фарзандларимизнинг яйраб дам олиши учун қулай шароит яратилди. Ёзги таътил давомида 311 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Шунингдек, бир гуруҳ илғор ходимларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Меҳнат жамоаларида мини футбол, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аъзоларимиз энг улуғ ва энг азиз байрамимизни шоду хуррамлик билан кутиб олиш жараёнида янги пахта ҳосилини қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ишончим комилки, бу йилги ютуқларимиз салмоғи ҳар қачонгидан юқори бўлади.

Зафар АЗИМОВ,
«Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамияти бирлашган тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси

Соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши

Барча юртдошларимизни ҳамда тиббиёт аҳлини

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик

байрами билан муборакбод этади.

Бунёдкор халқимизни мустаҳкам соғлик, дастурхонини қут-барака асло тарк этмасин. Ватанимизнинг гуллаб яшнаши, тараққиётга эришиш йўлидаги фидокорона ишларида барча юртдошларимизга улкан муваффакиятлар ёр бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Ёш авлод тарбияси йўлида фидойилик кўрсатаётган устоз ва мураббийларни, барча-барчани истиқлолимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан чин дилдан табриклайди.

Мустақиллик байрами шукуҳи сезилиб турган шундай гўзал кунларда Сиз азизларга тан-сиҳатлик, оилавий тотувлик ва бахт тилайди.

«НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Жонажон Ватанимиз аҳлини шонли сана — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!

Ҳеч биргонадбнн шоду хуррамлик, бахту саодат, қут-барака асло тарк этмасин. Янада фаровон, янада бахтиёр кунларда яшаш ҳаммамизга насиб қилсин. Юртимизнинг гуллаб яшнаши, ривожланган давлатлар қаторига кўшилиши йўлидаги масъулиятли ишларда ҳаммага улкан зафарлар ёр бўлсин!.

Солиқ ва биз

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солик хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида давлат солиқ хизмати органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишининг жорий этилиши кўзда тутилган.

Қулайлик ва имконият

Шунингдек, 2011-2012 йилларда солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини такомиллаштириш дастури иловаси тасдиқланган.

Ҳозирги кунда интернет тизимига уланган юридик корхона ва ташкилотлар учун www.soliq.uz сайти яратилган бўлиб, солиқ тўловчилар қуйидаги интерактив хизматлардан фойдаланиши мумкин:

- солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
- шахсий ҳисоб варақларидан кўчирма, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги ҳисоб-китобларнинг ҳолатлари ҳамда солиштирув далолатномасини олиш;
- тегишли давр учун текширишлар режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи органлар ҳақида маълумот олиш;
- солиқ қонунчилигидаги барча ўзгаришларни тезкор олиш;
- солиқ қонунчилигидаги саволларга жавоб олиш.

Бундан ташқари Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий веб сайти ойнасига қўшимча интерактив хизмат сифатида жисмоний шахслар учун «Узнай свой ИНН» менюси очилган бўлиб, шахсий паспорт серияси ва рақамини ушбу менюга киритиш орқали автоматик тарзда ДСҚнинг «Ягона реестри»дан ўз фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами)ни кўриш имконияти яратилди.

Шунингдек, солиқ тўловчи жисмоний шахслар интерактив хизмат кўрсатиш порталидаги «Шахсий карточка» менюсидан шахсий карточкада ҳисобланган, тўланган суммалар, мавжуд солиқ қарзлари ёки ортиқча тўловлари тўғрисидаги маълумотларни олиши мумкин.

Олмазор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида жорий йилнинг 1 август ҳолатига 1391 та хўжалик субъектига «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга асосан электрон рақамли имзолар берилган ҳамда 1692 та корхона томонидан ДСИга 8369 та электрон кўринишда ҳисоботлар тақдим этилган. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ инспекциясига келиб ҳисобот топшириш учун сарфланадиган вақт ва харажати тежалмоқда.

Н.ТОЛИПОВ,
«Камерал назорат» бўлими бошлиги

Табриклаймиз, ҚУТЛАЙМИЗ

Ishonch
2011-yil 25-avgust № 104-105 (2986)

Иқтисодий одимлар

Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада кучайтириш тўғрисидаги қарорига асосан Андижон вилоятида ҳудудий дастур ишлаб чиқилган. Жорий йил охиригача вилоятда минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда ихтисослаштирилган балиқчилик хўжаликлари сони кўпайтирилмоқда. Ҳудудий дастур ижросини таъминлаш ва назорат қилиш вилоят давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклатилган.

Ҳудудий дастур — амалда

ёхуд балиқчилик ривож топмоқда

— Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари учун Улуғнор туманидаги «Андижонбалиқ» МЧЖда туркум ўқув семинарлар ўтказилди, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Р.Муллажонов. — Бу ўз натижасини берди. Дастурда учта балиқчилик хўжалиги ташкил этиш белгиланган бўлса, амалда бу кўрсаткич 23 тага етказилди. Уларда соҳа мутахассислари иштирокида 80,33 гектар майдонда сунъий сув ҳавзалари ва 4 та интенсив усулда сунъий ҳовузлар қурилди. Айни пайтда бу ерда 89600 дона чавақ балиқ парвариш қилинмоқда. Умуман олганда, 42 та балиқчилик хўжалигида 84 та ўрнига 88 та сунъий сув ҳавзаси яратилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 372 гектар майдондаги сув ҳавзалари чуқурлаштирилиб, 8 км. масофадаги дренаж ва коллекторлар тозаланди. Вилоятнинг барча ҳудудида ўрганиш ва хатлов ўтказилиб, асосий фаолияти бошқа бўлган 22 та фермер хўжалигида ҳам 11,59 гектар майдонда ҳовузлар ташкил этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2010 йилда балиқчилик хўжаликлари сони 111 тани ташкил этган бўлса, ҳозир улар 151 тага етказилди. Натижада белгиланган 900 минг ўрнига 1 млн. 600 мингтадан ортиқ чавақ балиқ парваришланмоқда. «Андижонбалиқ» МЧЖ ва «Олимп қошонаси» фермер хўжалигида «Карп», «Оқ амур» ҳамда «Дўнг пешона» навли балиқларнинг 1 млн. 400 мингта личинкалари етиштирилиб, хўжаликларга тарқатилди.

Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилнинг биринчи чорагида 194 тонна балиқ аҳолига етказиб берилди. Ушбу соҳани ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 336,5 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Вилоят ҳокимининг қарорига кўра, эндиликда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Балиқ куни» деб эълон қилинди. Шу сабаб 43 та умумий овқатланиш шохобчасида балиқ гўштидан тайёрланган турли таомлар савдоси ташкил этилмоқда. Балиқ маҳсулотлари сотишга ихтисослашган 30 дан ортиқ савдо дўконлари иш бошлади.

Ҳукуматимиз қарори асосида балиқчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор халқимиз фаровонлиги йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Бу хайрли ишга вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳам ҳисса қўшишдан чарчамаяпти.

Шоҳруҳбек ЭГАМНАЗАРОВ,
Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи бошлиғи

Иш ҳақи ва қарздорлик

Меҳнат бекадр бўлмасин

Навоий вилоятида бевосита касаба уюшмаларининг саъйи-ҳаракати ҳамда корхона ва ташкилотларда кўрилаётган тезкор чора-тадбирлар туфайли иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликларни сезиларли даражада қисқартиришга эришилди. Бундай самарали натижалар «Навоийазот» ОАЖ, «Қизилқумцемент» ОАЖ, «НУС» қурилиш бирлашмаси сингари гигант корхоналарда қайд этилгани қувончлидир.

Шу ўринда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш масаласи 7 маротаба касаба уюшмалари қўмиталарида, 5 маротаба Раёсат йиғилишларида кўриб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Лекин, шунга қарамасдан, 2011 йилнинг 1 июл ҳолатига Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига қарашли корхона ва ташкилотларда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 385 млн. сўмлик кўрсаткични ташкил этаётир. Вилоят «Пахтасаноат» ХАБ, «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзагромашсервис» тизимидаги вилоят МТПлар бирлашмаси ва унга қарашли ташкилотлар мутасадди раҳбарлари иш ҳақи таъминотидаги бундай узилишларга барҳам бериш чораларини кўришда сусткашликка йўл қўяётганликлари, албатта, ачинарли ҳолдир.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллигига қарашли «Жанубсаноатмонтаж» ОАЖда, Ёнилғи энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллигига қарашли Навоий электр тармоқлари корхонаси, Электрокимё заводи, Навоий Иссиқлик электр станциясида ҳам иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд. Табиийки, бундай узилишларга нақд пул тушумининг камлиги ёхуд бошқа турли сабаблар баҳона бўлолмайди. Бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим: кўпчилик манфаати учун астойдил қайғурилган жойда иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтгазинспекция» жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик байрами ҳамда Нефт ва газ саноати ходимларининг касб байрами муносабати билан қизғин табриклайди!

Юртимиз фуқароларига ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида улкан муваффақият тилайди.

Ўзбекистон — менинг Ватаним

Ёз чилласи оёқлаётган палла эди. Қуёш ўз ҳарорати-ю тафтини ўлкамиз узра аямай сочмоқда. Пахталаримизга жон киради, мева-ю узумлар, полиз маҳсулотлари болга тўлади. Сирдарё вилоятидан ўтиб бориб, Жиззах, Навоий вилоятлари ҳудудларини кезамиз. Кенгликларга ярашган бағри кенг одамлар. Самимий, истаралари иссиқ, турмуш-турмушлари инсоний фазилатларга лиммо-лим. Жиззах вилоятининг Фориш тумани ўрмон хўжалигида умр бўйи турли вазифа ва лавозимларда ишлаб келаётган Носир ака Ҳакимов ва Асрор ака Азизовнинг танти фарзандлари Дилшодбек билан Аъзамжон ҳамроҳимиз. Улар бу тарафларнинг сир-асрорларини яхши биладиган йигитлар. Думалоқ юз, жиддий ва ўткир боқишлари қор қоплонини ёдга туширувчи Дилшодбек камгап, аммо топиб-топиб айтади. Йўл-йўл кўйлак кийган Аъзамжон эса Чотқол сиртлонини эслатади. Бу йигитнинг форишликларга хос талаффузда қизиқ воқеаларни гапириб бериши ўзига зап ярашган, ҳам ҳамроҳларини чарчатмайди...

Ҳар ишки, ниятга яраша бўлгай

Ватан меҳрин дилга жо айлаганлар

Табиатнинг икки мўъжизаси оралиғида чўл бўйлаб шимол томон ошиқамиз. Чап ёғимизда пасту баланд чўққилар, яланғоч қоятошу тақир қияликлардан иборат Нурота тоғлари илгарилаб кетган. Ўнг тарафда олисолисларда уфқларга туташган улкан Айдаркўл. Ёзнинг айни жазирама иссиқ палласига қарамай, ҳарорат жонга тегарли даражада эмас. Бундай мўътадил мувозанатни тоғдан эсаётган майин шабада ва мовий кўл салқини мувофиқлаштириб турган кўринади. Бора-бора тақир далаларда саксовул ниҳоллари кўрина бошлади. Чўл бағридаги бу яшил бойликлар ўз ерларини жон-дилдан севган фидойи ўрмончиларнинг йиллар оша узлуксиз меҳнатлари меваси.

Ҳар нарсанинг интиҳоси бўлганидек, Нурота тоғлари пасая бориб, тепалик, дўнгликлар ва, ниҳоят, текисликлардаги битмас-туганмас саксовулзорлар бағрига сингиб кетди. Во, ажабо, айнан шу ҳудудда Айдаркўл ҳам парча-парча бўлакларга бўлиниб тугади. Биз Навоий вилоятининг Конимех туманидаги Боймурод жамоа хўжалиги ҳудудига етиб келган эдик. Энди манзара бутунлай ўзгарди. Баъзи қум қалин жойларда энг эпчил транспорт саналмиш «Нива» ҳам тўхтаб қолар, ёрдамимизга муҳтож бўларди. Шу алфозда кўзланган манзилга ҳам етиб келдик. Бу бепаён қум барханлари ва саксовулзорлар бағрида бинойидек яшаётган метин иродали Рустам Ирисовнинг қўй отари эди. Анча қурғоқчил келган бу йилда уч юз бошдан ортиқ совлиқларини, ўнлаб туяларини соғ-омон асраб юрган чўл баҳодирининг ҳаёт шароити ҳавас қилгудек. Қум барханлари бағрида қурилган бежирим уйда ҳатто меҳмонлар учун ҳам етарли шинам хоналар мавжуд. Қишин-ёзин яшаш учун зарур барча шароитлар бор: катта тармоққа уланган электр, табиий газ, ёнбошдаги қудуқдан мотор орқали истаганча зилол сув тортиб олиш мумкин. Алоҳида-алоҳида жойлашган ошхона-ю емакхоналар, очиқ ҳаводаги тапчанлар... Буларнинг бари осонликча юзага келмаган. Ҳамма-ҳаммасини Рустамжон ва унинг турмушдоши Нурсулув ўз эпчиликлари, букилмас матонатлари, тадбиркорликлари эвазига яратганлар. Ватан меҳрини дилига жо айлаган лочин йигит вафодор ёри мададига таяниб йўқдан бор қиляпти, борларини эса кўпайтирмоқда. Бир ўғил ва бир қизни ҳам ҳеч нарсага зориқтирмай вояга етказмоқдалар.

— Қимрондан ичинг, ота, — қўлимга коса тутқазди майингина жилмайиб Нурсулув.

— Қандай бўларкин, биринчи марта...

Қимрон номини эшитгандим-у, татиб кўрмагандим.

— Михдай бўлади, ёшариб кетасиз, белингизга қувват қайтади, кучингизга куч қўшилади! — Баланд овозда самимий хо-холаганча муштини осмонга кўтарди Рустамжон.

— Туяларни соғиш хавфли эмасми, маст бўлса одамга ташланади, дейишади, — қизиқсиндим коса тўла қимронни бир сипқоришда тугатиб.

— Туя ҳам, бия ҳам, умуман ҳамма жонивор зийрак бўлади, қўрқоқларни бир қаращда кўзларидан уқволади-да, ана ундан кейин тепадиям, тишлайдиям, қувадиям! Мен билан келинингиз қаршисида бу туялар истаган пайтимизда бараварига тиз чўкадилар!..

— Атроф нуқул қум барханлари ва саксовулзор; устига устак боши-кети кўринмайдиган чўл зериктириб қўймайдими? — сўрайман қизиқувчанлигим ортиб. — Нарироқ борган эдим, адашиб кетай дедим...

— Сизга чексиз-чегарасиз туюлаётган чўл бағри биз учун беш қўлдай маълум, — гапимни кесди паҳлавонамо қадду-бастини тиклаб, тўрт томонга ишора қилар экан Рустамжон. — Бу тараф Айдаркўлга туташади, манови қуюқ саксовулзорлар оралаб тўрт-беш чақирим борсангиз, Қозоғистон орқали то Хитойгача ўтиб кетадиган катта трассага чиқасиз. Қолаверса, киндик қонимиз тўкилган кенгликларни жон-дилимиз билан севамиз.Бу тарафларда ўз ерини, касбини севган марду майдон чорвадорлар жуда кўп. Биз доимо бир-бирларимиздан хабар олиб, дийдорлашиб, керак бўлса ёрдамлашиб турамиз...

— Қайтишда катта трассага чиқиб олсак яхши бўлар кан-да? — Ўринсиз саволимдан хижолат тортиб, гапни бошқа мавзуга бурдим.

— Албатта шундай қилинглар, — қум барханлари ва саксовулзорлар оралаб ўтиладиган масофани ҳижжалаб тушунтирди Рустамжон, — йўлингиз камида бир ярим баравар қисқаради...

Чапдаст йигитлар ҳеч қийналмай ўқдек тўғри асфалт йўлни топиб чиқди. Марказ томон ғизиллаб борар эканмиз, бу кенгликларда оёқларини она заминга маҳкам қўйиб, завқли ва бахтиёр ҳаёт кечираётган Рустамжон сингари фидойи инсонларнинг ёқимтой чеҳралари кўз ўнгимда ўчмас бўлиб муҳрланиб борарди...

Эгиз тоғлар таровати

Сафаримиз давоми бу депаралар дурдонаси саналмиш Зомин ва Бахмал тарафларга кўчди. Тўрт томон бийдай чўл, тилларда достон бўлган жаннатмакондан асар ҳам кўринмасди. Зомин марказида улкан бунёдкорлик ишлари борарди. Чамаси, улуғ байрамимизга муносиб туҳфа ҳозирланаётган эди. Лекин биз интиқ бўлган яшил бойликлар, пурвиқор чўққилардан дарак йўқ эди.

— Зомин табиат миллий боғи олисдами, — сўрадик дуч келган мезбондан.

— Ана у тоғ томонга яна юз чақиримча юрасиз...

Ҳа, сой ёқалаб юқорилаганимиз сайин манзара ҳам, ҳавонинг майинлиги ҳам кўтарилиб бораверди. Айниқса, Зомин сув омборидан ўтилгач, табиат кўркамлиги кескин орта бошлади. Турли ўсимликлар сал ўтмай ёппасига арчазорларга туташиб кетди. Ва, ниҳоят, Зомин табиат миллий боғи дарвозасига етиб бордик.

— Йўл бўлсин, — сўроққа тутди миллий боғ ходимлари.

— Агар мумкин бўлса, Зомин санаторийсини томоша қилсак, машҳур «Шербулоқ» сувидан ичиб қайтиш ниятимиз ҳам бор эди...

— Аввал бу ерларда бўлганмисизлар?

— Довруғини эшитганмиз-у, биринчи келишимиз.

Йигитлар тит-питимизни чиқариб текширишди, тегишли кўрсатмалар беришди ва қайтар соатимизни белгилагач, ўтказиб юборишди. Юқорилар эканмиз, ҳаво ҳарорати сезиларли пасаяр, сойнинг қўш саҳифаси қуюқ арчазорга айланиб борарди. Тоғ арчасининг ўзига хос ўткир иси бошни айлантирар даражада юқори эди. Зомин санаторийси ва унинг атроф-бағри кўп манбаларда таърифланганидан ҳам зиёда эди! Энг баландда жойлашган «Шербулоқ» нинг муздек зилол сувидан мириқиб симирдик. Бу жаннатмакондан сира ҳам кетгимиз келмас, аммо вақт чегараланган. Барча кўринарли жойларда: «Ўт ёқманг!», «Дарахтларни синдирманг!», "Ўрмон ичкарисига ораламанг!» каби лавҳалар ўрнатилган. Қайтар эканмиз, сойнинг хилват бир жойида ўсган бир тўп оқ қайинзор диққатимизни тортди.

— Жуда гўзал, шуни тасвирга олайлик!

Қайинзорга яқинроқ борган эдик: «Қани, ортингизга қайтинг!» деган кескин буйруқ эшитилди. Сой ёқасида миллий боғ кийимида икки йигит турарди.

— Кимсизлар?!

Энди яқиндан танишиш фурсати келган эди.

— Дарвозадан ўтар чоғингизда айтсангиз-ку, ўзимиз йўл бошлаб, олиб юрар эдик, — деди миллий боғ бош ўрмончиси Бектемир Эргашев.

— Сизларни безовта қилмай, эркин-эмин кузатган яхши-да, қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашаверамиз...

Миллий боғнинг умумий майдони салкам йигирма тўрт минг гектар. Ўрмон билан батамом қопланган эса ўн икки минг гектардан зиёдроқ. Ўз касбининг моҳир мутахассиси Алишер Хўжаев раҳбарлигидаги ўрмончилар чиндан ҳам вазифаларини сидқидилдан бажаришар экан. Миллий боғ ҳудудига қадам босган ҳар қандай бегона одам улар назоратидан четда қолмайди. Бердиёр Турдиев, Мусаб Шойзоқов, Омон Маматқулов янглиғ лочинкўз қўриқчиларни ҳозирга қадар ҳеч ким доғда қолдиролган эмас...

Суҳбатлаша-суҳбатлаша Миллий боғ дарвозасига етиб келдик. Очиқ юзли навқирон йигит Азамат Файзиевнинг таъкидлашича, Миллий боғда асосан тоғ арчаси кўпайтирилмоқда. Бу даргоҳ 1978 йил ташкил этилган бўлса, ҳар йили камида ўн гектар майдон арчазорга айлантирилмоқда. Йигирма сотих намли ва серунум жойда оққайин ниҳоллари тажриба сифатида ўстириб кўрилди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда. Демак, келгусида катта-катта майдонларда оққайинзорлар барпо этиш мумкин...

— Ҳар тарафдан какликлар хониши эшитилмоқда, жонли табиат аҳволи қалай?

— Дарвоқе, кези келганда айтиб ўтай, — суҳбатни давом эттирди бош ўрмончи. — Ҳудудимизда саккиз юзга яқин ўсимлик тури ўсаётган бўлса, йигирмадан зиёди дориворлар. Уларни ўз фарзандларимиздек авайлаб-асраймиз, Турларини янада кўпайтириш ниятидамиз. Қуш ва ҳайвонларга келсак, уларнинг турлари-ю сони етарли: айиқ, тўнғиз, жайра, силовсин, бўрсиқ...

— Нега биз уларнинг бирортасига дуч келмадик, — ниҳоят қитмир саволимизни бердик.

— Кундузи улар уяларида, панапастқамларда дам олишади, тунда овга чиқишади...

— Барибир одамзот билан ёввойи табиат орасида ҳозирча яқинлик йўқ, бир-бирларига ёвқараш қилишади, ҳатто бир-бирларини овлаш, ҳужум қилишдан ҳам қайтмайдилар, тўғрими?

— Афсуски, шундай, аммо биз эзгу ният билан яшаяпмиз, бора-бора албатта ёввойи жониворлар билан тил топишамиз, ҳамма иш ниятга яраша бўлади, деганларидай...

— Бу тоғларда, ҳойнаҳой, олқорлар йўқдир? — сўнгги саволга ўтдик.

— Улар учун очиқ майдонлар зарур, бизнинг шароитга кўникишлари қийин...

Республикамизда мавжуд иккита Миллий боғнинг бири мана шу. Саранжом-саришта жамоа ўз зиммасидаги ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни виждон амри билан ҳалол бажармоқда. Зоминга туташиб кетган Бахмал тоғлари ва у ерда мавжуд ўрмон хўжалиги жамоаси ҳам мустақил Ватанимиз бағрини яшил бойлик билан тобора кўпроқ безантирмоқда. Бир-бирига туташ бу эгиз тоғлар таровати йил сайин ортиб, гўзаллашиб бормоқда.

— Қалай, сайру-саёҳат манзур бўлдими, — сўради форишлик ўрмончилар қайтар чоғимизда.

— Ҳаммаси рисоладагидай, аммо олқор шўрлик ҳеч қаерда кўринмайди!..

— Кейинги сафар келганингизда Нурота қўриқхонасига бошлаб чиқиб, сиз соғинган олқорлар билан юзма-юз учраштирамиз, уларга кафтингизда ем едирасиз, — деди ишонч ва самимият билан Асрор ака хайрлашар экан.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекэнерго Давлат акциядорлик компанияси «Энергосотиш» филиалининг 16.08.2011 йилдаги 51-01/0381-сонли хатига асосан, филиалга тегишли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароунаҳр берк кўчаси, 4-уй манзилида сақланаётган «Тико» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 10АН611 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 746 498 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 26 сентябр куни соат 12:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 26 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 29 ва 3 октябр кунлари соат 12:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52, www.rkmb.uz.

Шу сонга хушхабар

Мукофот муборак!

Юртимиз Мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб турли жабҳаларда олам аҳли ҳавас қилгулик муваффақиятларга эришмоқда. Бундай зафарли одимлар замирида Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат, халқимизнинг улкан меҳнати, эртанги кунга бўлган ишончи турибди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айни пайтда бу музаффар юртдошларимизнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланаётгани ҳам дилга қувонч бағишлайди.

Куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» фармони эълон қилинди. Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинлари ғолиби Владимир Тўйчиев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони билан тақдирланди. Бу спортчимизга давлатимиз раҳбарияти томонидан берилаётган эътибор ва рағбатнинг яна бир намунасидир.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланганлар орасида ҳамкасбимиз, «Ishonch» ва «Ishonch — Доверие» газеталари бош муҳаррири ўринбосари Довуд Маъдиевнинг ҳам борлиги барчамизни бирдек қувонтирди.

Довуд аканинг самарали фаолияти ўлароқ, таҳририятимизга турли ҳуқуқий масалалар билан қилинаётган кўплаб мурожаатлар ўз ечимини топмоқда. Бундан ташқари, русийзабон муштарийлар сафи кенгайиб, «Ishonch — Доверие» газетаси саҳифалари мазмунан бойиб, рангбаранглик касб этмоқда.

Шунингдек, касаба уюшма спортчилари — байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича миллий терма жамоамиз аъзолари, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинлари ғолиблари Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков ҳам «Шуҳрат» медали соҳиби бўлишди.

Уларни ушбу давлат мукофотлари билан самимий муборакбод этамиз. Умид қиламизки, касаба уюшма совриндорлари сафи янада кенгайиб боради. Мукофот соҳибларининг кейинги фаолиятларида муваффақият, саломатлик, Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга ёйишларида туганмас сабот тилаймиз!

Нуронийлар эътирофи

Андижон шаҳридаги Сарбон кўчасида тўқсон икки ёшли иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Жамолиддин ота Насриддинов яшайди.

ШУКРОНА

— Аллоҳга шукрки, 8 фарзандим, 30 набира, 26 чеварам даврасида роҳат-фароғатда қарилик гаштини суриб яшаяпман, — дейди отахон. — Ҳар тонг юртимиз тинчлиги, тўкинсочинлигига шукрона келтираман. Тўйлар-тўйга уланмоқда. Яқинда жиянким Муҳаммадали билан ўзимизнинг автоулов — «Нексия»да водий бўйлаб саёҳат қилдим. Гапнинг очиғи, юртимиз шаҳар ва қишлоқлари, айниқса, Андижон, Наманган, Фарғонанинг бугунги жамоли мени мафтун этди.

Яқинда Наманган вилояти Косонсой туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсида дам олиб қайтдим. Кўрсатилаётган ғамхўрликлардан бошим осмонга етди.

Жамолиддин отани гоҳ ўқувчилар даврасида, гоҳ маҳалланинг ёш тадбиркорлари ҳузурида учратасиз. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тинчликнинг қадр-қимматини улар онгига сингдириш отахоннинг асосий мақсадига айланган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Дзюдо

Париж шаҳрида старт олган дзюдо бўйича бу йилги жаҳон чемпионатининг ўзига хос жиҳати шундаки, дунёнинг 130 дан зиёд мамлакатидан келган 900 нафарга яқин дзюдочи нафақат совринли ўринлар учун, балки келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини берадиган муҳим рейтинг очколарини қўлга киритиш учун ҳам татамига чиқмоқда. Ушбу мусобақада юртимиздан 15 нафар спортчи иштирок этмоқда.

Тўйга тўёна билан

Жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларининг бронза медали соҳиби, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинлари ғолиби, «World Masters», «Катта дубулға» ва Гран-при туркумидаги турнирларда уч йилдан буён мунтазам равишда шоҳсупага кўтарилаётган истеъдодли дзюдочимиз Ришод Собиров мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлади. У 60 кг. вазн тоифасида тенгсизлигини яна бир карра исбот этиб, жамоамиз ғазнасига илк олтин медалини келтирди.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингида пешқадамлик қилаётган ўзбек полвони мусобақани иккинчи босқичдан бошлади ҳамда финалгача ўтказилган учрашувларда швейцариялик Людовик Чаммартин, Буркина-Фасо вакили Херманн Зунграна, бразилиялик Фелипе Китадаи, озарбойжонлик Илғор Мушкиев ва Жанубий Корея вакили Жин Вон Кимни мағлубиятга учратди.

Финал учрашувида Ришод Собировга жаҳон чемпионатлари совриндори япониялик Хироаки Хираока рўбарў келди. Учрашувни япониялик спортчи шиддат билан бошлади. Лекин сўнгги сонияларгача ғалабага ишончни йўқотмаган Ришод қарши ҳужумда «Вазари» (курашда «Ёнбош») баҳосини ишлади ҳамда рақибини мағлубиятга учратди. Шу тариқа полвонимиз иккинчи бор жаҳон чемпионлигига сазовор бўлди. Кумуш медал Хираоки Хираокага насиб этган бўлса, озарбойжонлик Илғор Мушкиев ва украиналик собиқ жаҳон чемпиони Георгия Зантарая бронза медали билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионати баҳслари қизигандан қизиб бормоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Фестивал

«... Агар маданият одамзодни яхшилик сари бошлайдиган, дунёни нурафшон айлайдиган, жоҳиллик ва ёвузликни даф этадиган, бир сўз билан айтганда, инсонни инсон қиладиган қудратли куч бўлса, дунёдаги энг улкан ва таъсирчан бойлик — бу мусиқа санъатидир».

Президент Ислом Каримовнинг «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқидан.

Юраклarни энтиктирган кун

«Шарқ тароналари» янграйверсин

«Шарқ тароналари» сингари халқаро танловлар, мусиқий анжуманлар оз эмас. Аммо Самарқанд фестивали ўзига хослиги, мазмун-моҳияти билан ажралиб туради. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мусиқий дийдорлашув халқаро дўстликка хизмат қилаяпти. Тили, миллати, урф-одати турлича бўлган мамлакатлардан келган санъаткорлар битта тилда — мусиқа забонида сўзлашади. Анжуманнинг эзгу мақсади эса халқларнинг мусиқа санъатини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказиш, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтиришдан иборат.

Таъбир жоиз бўлса, илк фестивалда дунёнинг ўттизга яқин давлати вакиллари иштирок этган бўлса, кейинчалик улар сони элликка етди. Бу йил эса 60 га яқин мамлакатлар вакиллари фестивалда қатнашиш истагини билдиришди. Эътиборли жиҳати, барча қитъалардан созанда ва қўшиқчилар ташриф буюришмоқда. Анжуман қатнашчилари фестивал давомида томошабинларни ўз халқларининг қадимий миллий чолғу асбоблари, урф-одат ҳамда анъаналари билан ҳам таништирадилар.

Ноёб акустикага эга Регистон майдони тароналарнинг дунё бўйлаб таралишига шай қилиб қўйилган.

— Самарқандниг кўрку таровати, ҳусну малоҳати Регистон тимсолида оламни мафтун этади, — деганди 1999 йилги фестивалда биринчи ўринни олган кореялик Юн Онг Сон. — Ҳеч бир саҳна бу ердаги каби ёркин эмас. Табаррук бу масканга ҳеч қандай декорация ва безак шарт эмас.

Юртимиз истиқлолининг 20 йиллик байрамига уланиб кетадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали саккизинчи бор катта тантана, зўр шодиёналар билан қаршиланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Байрамга тайёргарлик

Юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, истеъдоди ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Республика байналмилал маданият маркази фаолиятида жамиятимиздаги миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳитини яратиш, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш муҳим ўрин тутади.

Миллий маданий марказларда

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ташкилотимиз ҳамда унинг таркибидаги 150 га яқин миллий маданий марказлар томонидан ўлкамиз бўйлаб истиқлол, унинг азиз неъматларини, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлашга, кўз қорачиғимиздек эъзозлашга йўналтирилган кўплаб учрашув, концерт, бадиий ва фото кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Турли шиорлар остида байрам тантаналари аллақачон бошлаб юборилган.

Мустақиллик куни эса пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» мавзуида байрам шодиёналари ўтказилади. Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) томонидан ташкил этилаётган ушбу тадбирда юртимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этади.

Тадбирда миллий маданий марказлар томонидан тайёрланган концерт дастури, турли миллат вакилларининг маданияти, анъана ва қадриятлари, урф-одатлари, ижодкорларнинг ҳунармандчилик ва тасвирий санъатга оид кўргазмалари намойиш этилади.

Н. АРИПОВА,
РБММ бош мутахассиси

Баркамол авлод — юрт келажаги

Олтиариқ иқтисодиёт коллежига ташриф буюриб, ажойиб тадбир устидан чиқдик. Коллеж ўқувчилари ўртасида «Менинг бизнес режам» деб номланган кўрик-танлов ўтказилаётган экан.

Ўқувчи ва бизнес. Бир қарашда бу тушунчалар бир-бирига мос келмайдигандек. Лекин кўрик-танлов қоидалари, шартлари ва ўқувчиларнинг бу борадаги фаолиятини кузатиб, тадбирнинг долзарб мавзуда эканлигига амин бўлдик. Шартга кўра, коллеж ўқувчилари ўзлари танлаган йўналишлар бўйича бизнес режалар тузишган ва умумкасбий фанлар кафедрасига тақдим этишган. Тақдим этилган бизнес режалар билан яқиндан танишгач, ўқувчиларда ишбилармонлик, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янгиликлар киритиш, ўз корхонасини ташкил этиш бўйича фойдали таклифлар билан чиқиш каби хислатлар ривож топа бошлаганини гўё тасдиқдан ўтказмоқда эди.

Камолот пиллапоялари

Айниқса, банк иши йўналиши 1-курс талабаси Машҳура Ғаниеванинг «Ёш болалар кийимлари» дизайнерлик лойиҳалари бизни ҳайратга солди. Танлов натижаларига кўра айнан шу ўқувчи қизнинг бизнес режаси биринчи ўринни эгаллади. У Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланди.

— Ҳар бир тадбир катта мақсадларни кўзлаб ўтказилмоқда, — дейди коллеж директори Ўктамхон Ҳамдамова. — Зеро, ҳозирги кунниng энг зарур вазифаларидан бири, бу ўқувчиларни онгли ва ихтиёрий равишда касб танлашга йўналтиришдир.

Коллежда 820 нафар ўқувчи 5 хил йўналиш бўйича таълим олмоқда. Уларга 42 нафар юқори малакали педагог касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда. Замонавий усулда жиҳозланган турли фан кабинетлари, лабораториялари, компютер хонаси, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Ёшларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг билим даражаси, ижодий имкониятини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш мақсадида бу ерда 28 та фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Тўгаракларга 800 нафардан ортиқ ўқувчи жалб этилган.

Коллежда жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳам катта аҳамият қаратилган. Бу ерда таълим олаётган ўқувчилар нафақат туман, балки вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ўзларини кўрсатиб келмоқда. Волейболчи қизлар жамоаси кейинги йилларда узлуксиз равишда вилоят миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, коллеж шуҳратини оширяпти. Таълим даргоҳининг футболчи ёшлари ҳам қизлардан қолишаётгани йўқ. Футбол бўйича коллежлараро вилоят мусобоқаларида бу жамоа ҳамиша совринли ўринни забт этади. Коллеж ўқувчиси Иқболжон Узоқов спортнинг якка кураш тури бўйича вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ғолиб чиқиб, юртимиз терма жамоаси таркибида Малайзияда ўтказилган каратэ бўйича Осиё биринчилиги мусобақаларида қатнашди. У гуруҳ ҳамда якка тартибдаги беллашувларда қатнашиб, юртимизга 2 та олтин медал туҳфа этди.

Коллеж ўқувчилари орасида мана шундай сабоқларни аъло ўзлаштирадиган, одобахлоқда ва спортнинг турли соҳаларида ўзларининг энг яхши фазилатларини намойиш этаётган қалби оловлар жуда кўп. Касб-ҳунарни қунт билан эгаллаб, маънавий ва жисмоний баркамол авлод сифатида камолот пиллапояларидан юқорилаб бораётган ўқувчи-ёшлар мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллигини шоду хуррамлик билан кутиб олишмоқда.

Баҳодир ИСО
Фарғона вилояти

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Federation of Trade Unions of Uzbekistan

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 01.40

Буюртма Г — 811

13617 nusxada bosildi

1 2 3 5